

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси
Кенгашининг 2017 йил 25 октябрдаги
3-сон мажлис баённомасига 5.1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Илмий-услубий кенгаши тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги
Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон
Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида
бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил
8 августдаги ПФ-5139-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви Академиясининг (кейинги ўринларда –
Академия) Уставига мувофиқ, Академия Илмий-услубий кенгаши (кейинги
ўринларда – кенгаш)нинг мақсади ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари
ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Кенгаш Академияда юқори малакали илмий ва илмий-педагогик
кадрлар тайёрлаш, давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари,
кадрлар сиёсати самарадорлигини ошириш, давлат хизматини ислоҳ қилиш
соҳасида хориж тажрибасини ўрганиш бўйича комплекс илмий тадқиқотлар
олиб бориш ҳамда шу асосда келгусида республикада бошқарув тизимини
такомиллаштириш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг илмий-
назарий асосларни ривожлантириш заруратидан келиб чиқсан ҳолда устувор,
истиқболли ва илгор илмий йўналишлар бўйича фундаментал ва амалий
тадқиқотларни белгилаш ва олиб бориш, таълим жараёнини илмий
материаллар билан таъминлашни амалга ошириш, Академия профессор-
ўқитувчилари ва илмий ходимларининг илмий тадқиқот фаолиятини
мувофиқлаштирувчи коллегиал орган ҳисобланади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг
Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва
фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг қарорлари ва буйруқларига, Академия Устави ва Кенгаши қарорларига, Академия ректорининг буйруқлари ва мазкур Низомга амал қиласди.

3. Кенгаш ўз фаолиятини қонунийлик, ошкоралик, масалаларни эркин муҳокама қилиш, коллегиаллик ва яккабошчиликнинг уйғунлашуви, жамоа фикрини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширади.

4. Кенгаш таркиби Академия илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори тавсиясига кўра Академия ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Кенгаш таркибига Академия илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори – кенгаш раиси, Илмий-тадқиқотлар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи – кенгаш котиби, кафедралар мудирлари, бошқа таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар киради. Кенгаш аъзолари унинг ишида жамоатчилик асосида иштирок этадилар.

II боб. Кенгашининг асосий вазифалари ва ваколатлари

5. Кенгаш қўйидаги вазифаларни бажаради:

Академиянинг илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш учун Академия Кенгашига киритиши;

давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари, кадрлар сиёсати самарадорлигини ошириш, давлат хизматини ислоҳ қилиш соҳаси бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш, амалиётга ва ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этишини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

фундаментал ва амалий тадқиқотлар мавзуларини экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш учун Академия кенгашига тавсия этиш;

Академиянинг илмий ва интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиши таъминлаш, унинг барқарор ривожланиши учун зарурӣ шароитни яратиш бўйича концептуал таклиф ва тавсияларни тайёрлаш;

илмий тадқиқот ишларини бажариш сифати устидан назоратни амалга ошириш, режалаштириш бўйича янги ва замонавий методологик асосларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар бериш;

Академияда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиш, шунингдек Академия таркибий

бўлинмаларининг илмий тадқиқот фаолияти натижаларини кўриб чиқиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва мустақил изланувчилар, тингловчилар томонидан монографиялар, рисолалар, илмий мақолалар ва бошқа адабиётлар чоп этилишини мувофиқлаштириш.

Кенгаш қонун хужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

6. Кенгаш ўз вазифаларини амалга оширишда қўйидаги ваколатларга эга:

кенгаш иш режасини тасдиқлади;

Академия илмий тадқиқот фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича мухокамалар ташкил қиласди;

кафедралар илмий-тадқиқот ишлари режалари бажарилиши ҳолатини мухокама қиласди;

илмий лойиҳалар раҳбарларнинг лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан қисқа ахборотларини эшитади;

монография, рисолалар, конференциялар ва давра сұхбатлари тўпламларини экспертизадан ўтказади ва чоп этилишига руҳсат беради;

Академия таркибий бўлинмаларининг илмий йўналишдаги ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қиласди ҳамда Академия илмий тадқиқот фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг докторлик диссертациялари мавзуларини кўриб чиқади ва тасдиқлаш учун Академия Кенгашига киритади;

докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг докторлик диссертацияларни тайёрлашнинг якка тартибдаги режаларини, мутахассислик бўйича назарий-методологик курснинг ўқув режасини ҳамда фанлар бўйича малака ўқув дастурларини, докторантурага кириш имтиҳонлари дастурлари ва саволларини, малакавий имтиҳонлар дастурлари ва саволларини экспертизадан ўтказади ва тасдиқлаш учун Академия Кенгашига киритади;

докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг якка тартибдаги иш режалари бажарилиши ҳақидаги хисоботларини эшитади;

Академия илмий-тадқиқот фаолияти бўйича турли танловлар ташкил этади;

илмий-тадқиқот фаолияти натижалари юзасидан профессор-ўқитувчилар ва докторантларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича Академия ректорига тавсия киритади.

Кенгаш қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III боб. Кенгаш ишини ташкил қилиш

7. Кенгашнинг иш режаси ўқув йили учун тузилади ҳамда кенгаш томонидан тасдиқланади.

8. Кенгаш иш режаси бажарилиши устидан умумий назорат кенгаш раиси томонидан амалга оширилади. Кенгаш иш режасини бажарилиши бўйича маълумотлар кенгаш котиби томонидан умумлаштирилиб борилади.

9. Кенгаш иш режасига мувофик кенгаш мажлиси кун тартибига киритилиши лозим бўлган масалалар юзасидан барча зарур материаллар тақдим этилгач, кенгаш котиби кенгаш мажлиси кун тартиби лойихасини тузади ва тасдиқлаш учун кенгаш раисига тақдим этади.

10. Кенгаш мажлиси ўтказиладиган кун, вақт ва жой, шунингдек кенгаш кун тартиби кенгаш раиси томонидан тасдиқланади. Кенгаш мажлиси кун тартиби кенгаш мажлисидан етти кун олдин кенгаш котиби томонидан кенгаш аъзоларига ва кенгаш раисининг топшириғига мувофик бошқа шахсларга етказилиши лозим.

11. Кенгаш мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар ойда камида бир марта, қоида тариқасида Академия Кенгаши мажлиси ўтказилишидан камида 3 кун олдин ўтказилади.

12. Кенгаш мажлисига кенгаш раиси – Илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректор, у йўқлигига эса, кенгаш раисининг топшириғига мувофик, кенгаш аъзоларидан бири раислик қиласи.

13. Кенгаш унинг мажлисида кенгаш аъзоларининг камида учдан иккисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

14. Кенгаш мажлисида кўриб чиқилган масалалар бўйича оддий кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилинади.

15. Кенгаш мажлисида кенгаш котиби томонидан баённома юритилади. Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган барча масалалар, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар кенгаш мажлиси баённомасига киритилиши лозим.

16. Кенгаш мажлиси баённомаси беш иш куни ичida тайёрланиши, кенгаш котиби томонидан имзоланиши ва кенгаш раиси томонидан тасдиқланиши лозим. Тасдиқланган кенгаш мажлиси баённомасининг нусхаси Академиянинг тегишли таркибий бўлинмаларига 3 кун ичida тарқатилади.